

Савол: Куръон сураларининг кандай фазилати ва хосияти бор?

Жавоб: Абу Хурайрадан (розизллоху анху) ривоят килинади: Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам): «Ким бир кеча-кундузда Аллохнинг розилигини талаб килиб, Ёсин сурасини ўқиса, гунохлари кечирилади», дедилар.

Бошка бир ривоятда: «Ким кечаси Духон сурасини ўқиса, гунохлари кечирилган холатда тонг отдиради», дейилган.

Ибн Масъуддан (розияллоху анху) килинган ривоятда эса Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам): «Ким хар кеча Вокеа сурасини ўқиса, унга камбагаллик етмайди», деганлар.

Абу Хурайрадан (розияллоху анху) ривоят килинади. Пайгамбаримиз (алайхиссалом): «Ким кечаси «Иза зулзилатил арзу...» сурасини ўқиса, Куръоннинг ярмини ўқигандек бўлади, ким «Кул йа аййухул кафирун»ни ўқиса, Куръоннинг тўртдан бирини ўқигандек бўлади, ким «Кул хуваллоху ахад»ни ўқиса, Куръоннинг учдан бирини ўқигандек бўлади», дедилар.